# Тошкент ҳақиқати

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси**

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

1992 йил 17 октябрь • шанба

№ 146 (10.395). Баҳоси 2 сўм.

## БУРҲОНИДДИН РАББОНИЙ ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикасида меҳмон бўлиб турган Афғонистон ислом давлати раҳбари Бурҳониддин Раббоний бошчилигидаги делегация 15 октябрь куни Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат котиби Р. Ражабов ҳамроҳлигида Бухорога келди.

Муҳтарам меҳмонларни Бухоро тайёрагоҳида Бухоро вилояти ҳокими Дамир Ёдгоров ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

Делегация аъзолари Бухоро амири Саид Олимхоннинг собиқ ёзги дала ҳовлиси — Ситораи Моҳи хосса билан танишдилар. Бу ерда Раббоний жаноблари меҳмонлар китобига ўз дастхатларини ёзиб қолдирдилар. Дастхатда, жумладан, шундай сўзлар бор: «Бухорои шарифни зиёрат қилмоқни кўпдан орзу этардим. Бугун Оллонинг иноятн билан орзуим ушалди. Бунинг учун мени Ўзбекистонга таклиф этган жаноб Ислом Каримовга, мени бу ерга бошлаб келган Бухоро ҳокими жаноб Дамир Ёдгоровга ташаккурларим бўлсин...»

Афғонистонлик меҳмонлар таърифи етти иқлимга кетган тарихий обидалар — сомонийлар мақбараси, масжиди калон, мир араб мадрасаси, лабиҳовузни қизиқиш билан томоша қилдилар.

Б. Раббоний жаноблари бизга берган интервьюсида жумладан шундай дедилар:

— Ўзбекистондан илиқ таассуротлар билан қайтиб кетяпман. Президентингиз жаноб Ислом Каримов олиб бораётган тинчликпарварлик сиёсати бизга жуда маъқул. Афғонистон — Ўзбекистон алоқалари эндиликда янада ривож топади. Самимий меҳмондўстлик учун ўзбек халқидан миннатдорман.

Афғонистон ислом давлатининг Б. Раббоний бошчилигидаги делегацияси шу куни Бухородан Ватанига жўнаб кетди.

**И. САФАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## УЧРАШИШ ОРЗУСИДА ҲАЙРЛАШДИЛАР...

### *Тошкент киноанжумани якунланди*



Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент Халқаро кинофестивали якунланиши муносабати билан Алишер Навоий номидаги санъат саройига ташриф буюрган меҳмонлар ҳамда мезбонлар бир-бирларига такаллуф айлаб, лутф этаётганларини, ҳайрлашув онлари яқинлашаётганига қарамай, гаплари ҳали-вери тугамаслигини кузатар эканман, бундай анжуманлар фақат эзгуликка, тинчлик-тотувликка, дўсту биродарликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилишига яна бир бор амин бўлдим.

Уч қитъа кино санъати намоёндалари Тошкент анжуманининг тантанали ёпилиш маросимини очган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, кинофестиваль ташкилий комитетининг раиси Э. Самандаров ҳар қандай тадбирни, хусусан, ниҳоясига етаётган гурунгни ўтказиш учун тинчлик ва осойишталик зарур эканини таъкидлади.

Ахир сен тинч, қўшнинг тинч, эл тинч деб бекорга айтмайдилар.

Бундай тадбирлар, меҳмоннавозликлар, дўстона машваратлар замирида табаррук бир ибора, мустақиллик деган саодат, толе яширипиб ётибди.

Фестиваль танловига жами ўн тўртта фильм тақдим этилди. Бу фильмлар жуда обрўли халқаро ҳакамлар ҳайъати томонидан қунт билан, атрофлича муҳокама қилинди.

Халқаро ҳакамлар ҳайъатининг раиси, туркманистонлик машҳур кинорежиссёр Хўжақули Норлиев фестиваль совринларига сазовор бўлган фильмларни эълон қилди.

**(Давоми 2-бетда).**



**СУРАТЛАРДА: томошабинлар олқишига сазовор бўлган «Хинна» (Ҳиндистон) кинокартинасининг режиссёри Рандхир Капур отаси Раж Капур номидаги совринни қабул қилиб олмоқда (юқорида): анжуманнинг бош ҳомийси Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академиясининг мукофоти «Севги косаси» (Япония) фильмининг режиссёри Кацуми Нисикавага топширилмоқда.**

**В. Миленький суратлари. (ЎзА).**



## ХИТОЙ ЭЛЧИХОНАСИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги алоқалар тарихи минг йилларга бориб тақалади. Шарқ ва ғарбни боғлаган буюк ипак йўли, у орқали қилинган савдо-сотиқ ва маданий алоқалар бундан далолат беради. Республикамиз мустақилликка эришиши туфайли Осиё қитъасидагина эмас, балки дунёдаги йирик мамлакатлардан бири — Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларимизда туб бурилиш бўлди. Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб таниди ва дипломатия алоқалари ўрнатди. Шу йил баҳорда Республикамиз Президенти И. Каримовнинг Хитойга қилган сафарида томонлар ўртасида ўн бешдан ортиқ муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ҳужжатлар имзоланди. Ўтган қисқа муддатда кўплаб ўзбек-хитой қўшма корхоналари ишга тушди. Тошкентдан Урумчига ҳаво йўли очилди.

Икки мамлакат ўртасидаги яқин муносабатларнинг исботи уларoқ, 15 октябрда Тошкентда Хитой Халқ Республикаси элчихонасининг тантанали очилиш маросими бўлди. Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэньгуан тантанали маросимни очатуриб, Ўзбекистон-Хитой муносабатлари бундан кейин янада мустаҳкамланади, деб ишонч билдирди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов маросимда сўзга чиқиб Ўзбекистон-Хитой муносабатларини янада ривожлантириш борасида Хитой элчисига муваффақият тилади.

Элчихона очилиши маросимида Республика Олий Кенгашининг раиси Ш. Йўлдошев, Республика Бош вазири А. Муталов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

**ЎзА мухбири.**

## ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Бангладеш халқ жумҳуриятн ўртасида дипломатия ва консуллик алоқалари ўрнатиш тўғрисидаги протокол имзоланди.

**(ЎзА).**




# ЁКИ НИКОҲСИЗ ТУҒИЛГАН НОРАСИДАНИНГ АЯНЧЛИ ҚИСМАТИ ҲАҚИДА

**Яримта ой тўлсин-а,**
**Сағир бола, ғўр бола.**
**Туғмай онанг ўлсин-а,**
**Пешонаси шўр бола...**

ҲАММА ўзи билан ўзи овора бўлган оддий ва серташвиш кунларнинг бирида шаҳар автобекатида — шундоққина одамларнинг кўз ўнгида кечириб бўлмас жиноят содир этилди. Оҳангарон шаҳрининг 4-кичик ноҳиясида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, фаҳш ишлари билан шилқим эркакларнинг эътиборини-ю, номусли аёлларнинг нафратини «қозонган» Татьяна Яковлева никоҳсиз туғилган Регина исмли қизчасини ўз қўллари билан шу ерга ташлаб кетди! Йўқ-йўқ, эрсиз туққан боласидан ор қилгани учун эмас, унга ҳалақит бераётгани ва бузуқ қилмишларига гувоҳ бўлаётгани учун!..

Бундай қабиҳликдан бехабар йўловчилар оч, юпун, баданлари калтак зарбидан мўматалоқ бўлиб кетган қизалоқни «адашиб қолган» гумон қилдилар. Қўрғон қишлоғилик Гулнора исмли келинчак эса тўрт томонга зир югуриб, ўксиб-ўксиб йиғлаётган Регинанинг ҳоли-аҳволига чидаёлмай, уни бағрига босганча уйига олиб кетди... Бир эмас, беш бола туғиб ҳам кўксида оналик меҳри илимаган тошбағир Татьянага аслида шу керак эди!

Аччиқ устида бўлса-да, бировни ноҳақ ҳақорат қилиб қўйган одам қонун олдида жавоб беришга мажбур. Ўзи истамаган ҳолда жиноят қилиб қўйган кишининг эса ярим умри қамоқхоналарда чирийди. Лекин не-не гўдакларнинг умрини ҳазон қилаётган, туғиб, ташлаб кетаётган маиший бузуқларга жазо йўқ! Аксинча, бундайлар гуноҳ қилса «ёлғиз она» деб аталмиш ёрлиқ қалқон мисоли ҳимояга чиқади. Татьянанинг қайта-қайта тубанликка қўл уришдан қўрқмаётгани, қилмишлари учун дилида бирор жавобгарлик ҳис этмаётгани балки шундандир... У фақат Регинани эмас, ҳар хил «ота»лардан орттирган тўнғичи Сергейни, томирида ўзбек қони оқаётган Анорани, Саша ва Оқсанани ҳам болалик шодликларидан маҳрум этди, турли йўллар билан бағридан қувди. Улар ҳозир турли болалар уйларида тарбияланишаяпти. Регина эса... Уни бетоблиги учунми ва ёки кечмишидан воқиф бўлиб қолганлариданми, янги эгалари ҳам кўп ўтмай шифохонага ташлаб кетишди...

## ИТГА РАҲМИНГ КЕЛДИМИ, ҚИЗАЛОҚ?

— Мени олиб кетгани келаяпсизларми?

Дабдурустдан берилган бу саволдан ҳушёр тортиб, қадамимизни секинлатдик. Болалар шифохонасининг нимқоронғи йўлагида нозиккина, рангпар қизча бизга жовдираб қараб турарди. У Регина эди...

— Ҳар куни аҳвол шу,— деди бу ҳолатни кузатганча рўпарадан келаётган катта ҳамшира Марям Абдулҳақова.— Ким кўзига яхшироқ кўринса мени олиб кетинг, деб ялинади шўрлик. Меҳрга ташна-да... Қани, ичкарига кирайлик. Регина, сен ҳам юр, қизим, сени кўргани келишибди...

Кўзлари қувончдан порлаб кетган қизалоқ йўлакдаги бошқа болаларга «ана, мени ҳам йўқлайдиган одамлар бор» дегандек мағрур қараб қўйди-да, олдимизга тушиб йўл бошлади...

Ажаб, бизга саккиз ёшда, деб таништирилган Регина аранг тўрт-беш ёшлардаги болага ўхшаб кўринарди. Жуссаси пачоқ, бурнининг пучуқлиги унчалик ярашмай турган кулча юзларида эса беҳисоб тирноқ излари. Бўтакўздек беғубор, айни чоғда мунг тўла кўзлари одамга маъноли боқади, гўё «менинг гуноҳим нима эди?!!» деб сўраётгандек...

— Буни ўз онаси шу аҳволга солган,— деди катта ҳамшира Ортиғой Жуманова ўкинч билан.— Парвариши йўқлигидан ўсмай қолган. Етти ёшдан ошиб кетибди-ю, ҳали мактабга ҳам бормайди...

— Регинанинг бурни асли пучуқ эмас,— суҳбатга қўшилади бўлим бекаси Роза Азиятова.— Онаси уриб, бурун суягини синдириб қўйган. Баданида ҳам соғ жойи йўқ...

Биз билан изма-из хонага кириб, Регинанинг атрофидан жой олган бошқа ҳамшира ва бекалар ҳам унинг тақдири ҳақида ўз билганларини айтишга тутиндилар:

— Бечоранинг қорни умуман овқатга ёлчимаган. Онаси бир товоқ ювиндини олдига қўйиб, устидан ҳафталаб қулфлаб кетаверган...

— Биринчи келган кунлари қўлига бир бурда нон берсам, қандай ушлашни билмай, бу нима, деб сўрагани ҳеч қулоғимдан кетмайди...

— Акаси Сергейни ҳам оғир аҳволда касалхонамизга олиб келишганди. Ўзи иситмада олов бўлиб ёнаяпти-ю, «овқат беринглар, қорним оч» деб зорланади. Боякиш очликдан силласи қуриб, касал бўлган экан... Уни шу ердан болалар уйига жўнатганмиз. Энди Регина ҳам ўша ёққа кетади. Ҳужжатларини тайёрлаб қўйдик...

Бу сўзларни жимгина тингламоқ оғир. Мушоҳада қилиб кўрмоқ ундан-да оғир. Ахир бўридек ваҳший ҳайвон ҳам ўз туққан боласини бунчалик азобламайди, тишларида тишлаб катта қилади. Инсонман, деб қаддини ғоз тутиб юрган Татьяна эса...

Шу тобда нима гап бўлаётганига тушунолмай киприкларини пирпиратганча ҳаммага бир-бир мўлтираётган Регинанинг ҳаёлини бутунлай бошқа мавзудаги савол-жавоблар билан чалғитиш лозимдек эди. Шундай ҳам қилдик. Аммо сўзлари бийрондеккина қизча ўзининг қизиқ-қизиқ гаплари-ю, ёқимли қилиқлари билан ҳаммани кулдирган бўлди-ю, зум ўтмай аввалги маъюс қиёфасига кириб олди:

— Уйда Яшка деган мушукчам, Чипа деган кучугим бор эди, биргалашиб овқат ердик... Улар ҳозир оч қолгандир. Тағин ўлиб қолишган бўлса-я! Мен бўлсам бу ерда юрибман...

Қизгина... Итга раҳминг келдими сенинг? Оч қолган мушукчага жонинг ачишаяптими? Лекин ўз боласини битта кучукчалик ҳам кўрмаган онанг бир марта бўлса ҳам сен ҳақингда шундай ўйлаганмикин? Ўйлаётганмикин?..

## РЕГИНА НОН ЕМОҚЧИ ЭДИ...

Ҳаром-харишдан ҳазар қилмайдиган суюқоёқларни «илоё касофати ўзига урсин» деб қарғайдилар. Аммо аллақачон лаънатга кўмилган Татьянанинг каср-касофати шусиз ҳам мурғак қалбида одамларга нисбатан шубҳа ва нафрат ниш ура бошлаган бегуноҳ Регинага урди...

— Ўша куни уйда Оксана иккиламиз ёлғиз эдик,— дея ҳикоя қилади Регина.— Қорнимиз жуда очлигидан бошимиз айлана бошлади. Уйда ейишга ҳеч нарса йўқ эди-да. Онамизнинг қаёққа кетганини, ҳатто қачон келишини ҳам билмасдик. Кейин Оксана нон топиб келаман, деб кўчага чиқиб кетди. Уни кутиб ўтирганимда бирдан эшик тақиллаб қолди. Оксана қайтди, деб ўйлаб, югуриб бориб очибман. Остонада иккита бегона одам турган экан. Ойимни сўрашди. Йўқ, бугун келмайди, деб айтдим. Одатда бунақа пайтда ойимнинг «танишлари» индамай орқаларига қайтиб кетишарди. Улар эса...

Ҳа, улар қайтиб кетиш ўрнига ичкарига кириб, эшикни маҳкам қулфлайдилар. Чунки бу хонадондаги шарт-шароитларни аввалдан кузатиб, пайт пойлаб юрган ўша «бегона одамлар»га худди шу жавоб керак эди! Улар ҳеч ким ҳалақит бермаслигига ишонч ҳосил қилишгач, очлик ва қўрқувдан янаям кичрайиб кетган Регинани ичкари хонага етаклаб кирадилар ва ечинтира бошлайдилар...

Регина ўша кимсаларнинг бутун хатти-ҳаракатларини бирма-бир сўзлаб экан, унинг аламли кўнглига таскин бера оладиган бирор муносиб сўз топа олмадик. Аксинча, ҳали қўғирчоқ ўйнайдиган ёшдаги қизалоқдан бундай сўзларни эшитаётганимиздан, уят ва ғазабдан бошимиз эгилди... Хўш, ким эди ўша номардлар? Афсуски, «кутилмаган меҳмон»ларнинг на исм-шарифини, на аниқ ёшини Регина айтиб беролмасди. Айтиб беролганда нима? Унинг бирор ғамхўр ҳимоячиси бормидики, жиноятчиларни қулоғидан бураб судга етаклаб борса...

## МЕҲР ЭМАС, НАФАҚА...

Кимга ва нима учун керак шунча азоблар? Модомики, боқишни, тарбиялашни истамас экан, Татьяна болаларни бирор етимхонага ёки фарзандталаб одамга бериб қўя қолса бўлмасмиди? Бундай қилмаганлигининг ёлғиз ўзигагина маълум бўлган бошқа сабаблари ҳам бордир, эҳтимол. Аммо шуниси аниқки, у болаларидан воз кечса «ёлғиз она» деган унвондан, беҳисоб имтиёзлардан ажраб қолиши табиий эди. Шаҳар ижтимоий таъминот бўлимининг ходимаси Туҳфатуллинанинг маълум қилишича, Т. Яковлева шу йилнинг январигача беш болани отасиз боқаётгани(?!» учун ҳар бир боласига мунтазам равишда нафақа олиб турган. Мана шу йўл билан келадиган даромад ҳеч қаерда ишламайдиган бу аёлнинг турли сарф-харажатлари учун етарли эди. Ҳа, уни болалари билан мажбуран боғлаб турган нарса оналик меҳри эмас, уларга тўланадиган нафақа эди, десак ишонаверинг...

Илгари аёл киши эрсиз турса «ҳароми» деб лаънатлардилар. Ҳозир эса қонун билан ҳимоялаб, вақти келса Қаҳрамон оналар ҳам эришолмайдиган имтиёзлар яратиб қўйилди ундайларга. Қизиқ, миллий ғурури, шаъни, маънавияти юксак тутилган, эҳтиётланган халқнинг никоҳсиз бола кўрувчиларга бу қадар меҳрибончилиги қаердан шаклланди-ю, ва у қачонгача давом этади? Ҳар ҳолда у охирги нуқтасини топгунича Татьянага ўхшаш ўнлаб, юзлаб кимсалар «бир нарсалик» бўлиб қолишса ажабмас.

— Ҳа, инсоний бурч деган туйғу бундай аёллар учун ёт нарса,— дейди биз билан суҳбатда шаҳар халқ таълими бўлимининг вояга етмаган болалар билан ишлаш бўйича мутасаддиси Зарифа Баҳодирова.— Ёши ўттизни қоралаган Татьяна ҳам ноқонуний туғилган фарзандлари учун шаҳарнинг 4-кичик ноҳиясидан беш хоналик квартира олган. Аммо бу хонадон ичкарисида нималар кечаётганини биров билиб, биров билмайди... Биласизми, болалар тақдиридан ташвишланиб, бу уйга кўп марта борганмиз. Бироқ Татьяна бизга эшик очишни истамасди. Бир гал участка инспектори билан бориб, «биз санэпидстанциядан келдик» деб ёлғон гапиришга мажбур бўлганмиз. Чунки ўшанда ичкаридаги болалар нимадандир қаттиқ безовталаниб йиғлаётгани эшитилиб турарди. Эшикни очиб, бизга кўзи тушган Татьяна ўзини жон ҳолатда кўчага урди. Ичкарига кирдик. Уйда кўзга ташлангулик бирор жиҳоз йўқ, болалар юпун, кирлаб кетган эди. Ўксиб-ўксиб йиғлаётган болаларнинг аҳволини кўз олдимга келтирсам ҳали ҳам титраб кетаман: тошмеҳр она уларни қўрқитиш учун электр токи ўтиб турган сим устига ўтқазар экан! Қарангки, биз ҳам худди шу куни ана шу «тадбир»нинг устига борибмиз...

Татьяна эса шаҳар халқ таълими бўлими мутасаддилари бу ишнинг орқасидан тушганликларини сезгач, болаларидан осонгина воз кечиб қўя қолди. «Менга бола керак эмас»— деди у ва фарзандларининг туғилганлик тўғрисидаги ҳужжатларини ўз қўли билан халқ таълими бўлимига ташлаб кетди. Худди шу масала юзасидан бўлиб ўтган йиғилишда эса «Тарбияламайдиган бўлсангиз нега дунёга келтирдингиз уларни?» деган саволга шундай жавоб берди:

— Хўш, менга айтингларчи, унда сизлар нима қилиб ўтирибсизлар бу ерда? Болалар уйлари кимга ва нима учун очиб қўйилган?!

## ҚЎШНИЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Биз Татьяна Яковлева билан юзма-юз учрашиш ва бўлиб ўтган воқеалар юзасидан баъзи саволларимизга ундан жавоб олиш ниятида эдик. Афсуски, қанча уринмайлик, уни учратишнинг иложи бўлмади. З. Баҳодированинг таъкидлашича, Т. Яковлева имтиёзга берилган беш хоналик уйни бошқа шаҳардаги икки хонали квартирага алмаштириб, аллақачон жуфтакни ростлаб қолган экан. Қўшнилари ва маҳалладошларидан айримлари исм-шарифларини кўрсатмасликни илтимос қилиб, у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдиришни лозим топишди:

**Ш. исмли қўшниси:**— Ҳеч ким билан қонуний никоҳи бўлмаган бу аёл илгари бир хонали уйда яшарди. Никоҳсиз туғилган болалари борлиги учун унга бизнинг олдимиздан беш хоналик уй беришди. Бунақалар учун шундай имтиёз бор экан-да! Тўғриси, бу уй уй эмас, маишатхона эди. Жазманлар ҳам ҳар хил, бири рус, бири ўзбек... Э, гуноҳи ўзларига. Мен фақат болаларга ачинаман. Ҳаммаси хор бўлди...

**Т. Исмли маҳалладоши:**— Ҳар куни бир-биридан чиройли кийимлар кийиб кўчадан ўтиб қолса ҳавасим келарди унга. Кейин болаларини қаровсиз ташлаб қўйганини, ҳатто уларга бериладиган нафақани ҳам ўзининг кийим-кечагига сарфлашини, ичкиликка ружу қўйганини эшитиб, нафратланиб кетдим. Жамиятни мана шундай сирти ялтироғ-у, маънавияти қашшоқлар бузаяпти!

— Хўш, нима қилиш керак бундай аёлни?

— Оналикдан маҳрум этиш керак!

— Бу кам!

— Юртдан ҳайдаб, сазойи қилиш керак!

— Кам!!!

— Бўлмаса... пешонасидан отиш керак!

— Йўқ!!! Йўқ,— дейди юрак тубида ғалаён кўтараётган бир нидо. Худо умр берсин унга! Умр берсин-у, ўзи зор қақшатган фарзандларнинг меҳрига тоабад интиқ бўлиб яшасин, изларига зор бўлиб яшасин, хор бўлиб яшасин... Илло, фарзанд уволидан қўрқмаган ҳар қайси маишатфуруш мана шундай жазога лойиқ ва маҳкумдир!

**Зарифа ЭРАЛИЕВА.**

